

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ПРИМОВ ШЕРЗОД ҚУВОНДИҚОВИЧ

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Примов Шерзод Қувондиқович Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш.....	3
Примов Шерзод Кувандикович Развитие коммуникативной компетенции будущих учителей	20
Primov Sherzod Kuvondikovich To develop communicative competence of upcoming primary education teachers.....	36
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of publication.....	40

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ПРИМОВ ШЕРЗОД ҚУВОНДИҚОВИЧ

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Ped562 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси www.tdpu.uz ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Исакулова Нилуфар Жаникуловна
педагогика фанлари доктори, профессор

Бегматов Абдуладжан Сираджидинович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Чирчиқ давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «30» 12 соат 9 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.:(99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкоркўчаси, 27-уй. Тел.:(99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86

Диссертация автореферати 2020 йил «21» 12 да таркатилди.

(2020 йил «21» 12 да 38



Р.Х.Джураев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор, академик.

Р.С.Исянов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, п.ф.н., доцент.

А.Х.Махмудов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда коммуникатив компетенция таълимдаги СВЕ ёндашуви (competence-based-education) “билим-кўникма-малакалар” училиги таълим жараёнининг интеграциялашган нутқ фаолиятининг кўникма ва малакаларни эгаллаш механизмлари таълим жараёнига татбиқ этилган. БТМда бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетенциясининг лингвистик, социолингвистик ва прагматик компонентларини такомиллаштириш, коммуникацион вазиятни прогностлаш ва дастурлаш, билим, билимдонлик, воситалари, мулоқот (вербал ва невербал), коммуникатив вазиятни бошқариш, коммуникатив маданият (умумий ва миллий), ижтимоий йўналишдаги ҳамкор, нутқ малакасини ривожлантириш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим муассасаларида кундалик ҳаётда коммуникатив компетенциядан фойдаланиш, коммуникатив компетенция грамматик, социолингвистик, дискурс, стратегик турларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан, коммуникатив компетенцияни илғор тажрибалар асосида такомиллаштирилган нутқий ўзаро таъсир ва ўзаро англашга тайёрлигига адекват бўлиш, лингвистик, маданий, психологик ва ижтимоий билимлар синтезига асосланган коммуникатив компетенцияни ривожлантириш, ўрганилаётган тил воситаларидан нутқ фаолиятини коммуникатив компетентлигини такомиллаштириш бўйича илмий педагогик тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамиз таълим муассасаларида бўлажак педагогнинг коммуникатив компетентлиги унинг талабалар жамоаси, ота-оналар, ҳамкасблар у билан мулоқотга киришишнинг самарали механизмларини татбиқ этишнинг меъёрий асослари яратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Педагог кадрларнинг касбий маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш”¹ каби устувор вазифалар белгиланган. Бу ижтимоий жараёнларда, касбий мулоқот савиясини оширишга шароитлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2011 йил 20 майдаги ПҚ-1533-сон “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокчини таъминлаш бўйича

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.

кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур масалага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш масалалари Б.С.Абдуллаева, А.А.Абдуқодиров, Г.Абдураимова, Ш.Абдураимов, Б.Р.Адизов, Н.Н.Азизходжаева, С.Базарова, У.Ш.Бегимқулов, Р.Ҳ.Джураев, Р.Г.Исянов, Ш.Қ.Мардонов, А.Махмудов, Д.Маматов, Н.А.Муслимов, О.Мусурмонова, У.Н.Нишоналиев, С.Нишонова, Н.Ортиқов, М.Очилов, Б.Х.Раҳимов, Ў.Қ.Толипов, О.Тўрақулов, У.Тўрақулов, Д.Шарипова, Ш.С.Шарипов, А.А.Халиков, Н.Ғ.Эгамбердиева, М.Қодировлар тадқиқот ишларида ёритилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари тадқиқотчилари Л.С.Выготский, П.Я.Гальперин, В.В.Давидов, Н.В.Кузьмина, Е.Н.Линов, И.Я.Лернер, А.К.Маркова, Н.Д.Никандров, С.Л.Рубинштейнлар томонидан ўқитувчи касбий қобилиятларини ривожлантиришнинг психологик жиҳатлари ўрганилган.

Европа мамлакатларид ўқитувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантириш масалалари M.Buber, L.Botcheva, R.Boyatzis, F.Delamare, A.Disterveg, J.Dyui, A.Maslou, Jan Pijae, K.Yaspersлар томонидан тадқиқ этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетининг илмий ишлар режаси ҳамда “Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг замонавий ахборот компетентлигини ривожлантириш тамойилларини тадқиқ қилиш” мавзусидаги (2017-2019 йиллар) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини фалсафий, педагогик-психологик ривожлантиришнинг жиҳатларини таҳлил этиш;

бўлажак ўқитувчилар коммуникатив компетентлигининг ривожланиш мезонларини такомиллаштириш;

бўлажак ўқитувчи шахсини инсонпарварлаштирилган коммуникативлигини ривожлантириш;

бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив ўзини-ўзи ривожлантириш муносабатларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш жараёни белгиланиб, Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах давлат педагогика институти, Самарқанд

давлат университети ҳамда Жиззах вилоят ХТХҚТМОҲМ 818 нафар талаба ва ўқитувчилар иштирок этган.

Тадқиқотнинг предмети бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг шакл, метод, восита ва йўллари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланилди: назарий (таҳлилий синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқ.).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлиги бир-бирига боғлиқ лингвистик, социолингвистик ва прагматик компонентларни даражали босқичларини аниқлаш орқали такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш механизмлари дискурсив-стилистик, риторик-прагматик, этикет-нутқни вербал ва новербал воситалар ва рефлексив компоненталар субъект-субъект муносабатлар асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг полифактор мантикий-тузилмавий модели мақсадга қаратилганлик, мазмунга оид, операционал, натижадорликнинг инсонпарварлаштирилган коммуникатив ядроси касбий аҳамияти сифатлари киритиш асосида такомиллаштирилган;

умумий ва касбий коммуникатив компетентлигининг намоён бўлиш мезонлари (умумий коммуникатив қадриятлар, шахслараро мулоқотни амалга ошириш, касбий идеал даражаси, касбий мулоқот) шахсий хусусият ва шароитларга устуворлик бериш асосида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг методик таъминоти ишлаб чиқилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг мантикий-тузилмавий модели такомиллаштирилган таълим жараёнига тадбиқ этилган;

“Умумий педагогика (педагогик маҳорат)” дарслиги нашр этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммога фалсафий, психологик-педагогик, методик ёндашувлар ҳамда педагогик маҳоратни ривожлантиришда республикамиз ва хориж олимлари тажрибаларига асослангани; тадқиқот вазифаларига мос келадиган, ўзаро бир-бирини тўлдирадиган тадқиқот методлари қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги; тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлар воситасида асослангани ҳамда хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган

натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти педагогик фаолият коммуникатив жиҳатларининг фалсафий-психологик асослари, ўқитувчи коммуникатив компетентлиги тушунчасининг мазмун моҳияти, бўлажак ўқитувчилар коммуникатив компетентлигининг ривожланиш мезонлари, даражалари ва шароитлари, педагогика фанлари мазмунини бўлажак ўқитувчи шахсини инсонпарварлик коммуникатив ривожлантиришга йўналтириш ҳамда коммуникатив ўзини-ўзи ривожлантиришнинг рағбатлантирилиши ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш механизмлари, бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг ишлаб чиқилган методик ва дидактик таъминотидан олий таълим давлат таълим стандарти, малака талаблари, янги авлод дарслик, ўқув ва методик қўлланмаларини яратишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш бўйича илмий натижалар:

лингвистик, социолингвистик ва прагматик компонентларини ривожлантириш орқали такомиллашган бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигидан “Ўзстандарт” агентлигининг 2014 йил 18 сентябрдаги 4574-сон қарори билан тасдиқланган бакалавриат йўналиши «Педагогика соҳаси» Давлат таълим стандарти, Малака талаблари мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 январдаги 89-03-330-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлиги компонентлари ривожланишига хизмат қилган; дискурсив-стилистик, риторик-прагматик, этикет-нутқни такомиллаштириш орқали аниқланган бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш механизмлари асосида “Умумий педагогика (педагогик маҳорат)” дарслиги ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 майдаги 285-сон буйруғи, 285-114 рақамли гувоҳнома). Натижада, коммуникатив компетентликни талабаларда ривожлантиришга эришилган; мақсадга қаратилганлик, мазмунга оид, операционал, натижадорликни баҳолаш интеграцияси бўйича такомиллашган бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг полифактор моделидан “Ўзстандарт” агентлигининг 2014 йил 18 сентябрдаги 4574-сон қарори билан таълим жараёнига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 январдаги 89-03-330-сон маълумотномаси) Натижада, касбий-педагогик фаолият самарадорлигини баҳолашнинг диагностик аппарати такомиллаштирилган; инновацион ёндашув бўйича ўқув машғулотининг ахборот, ўзини ўзи англаш ва амалий блоклари орқали ишлаб чиқилган бўлажак ўқитувчиларнинг

коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг методик ва дидактик таъминоти асосида “Умумий педагогика (педагогик маҳорат)” дарслиги ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 майдаги 285-сон буйруғи, 285-114 рақамли гувоҳнома). Натижада, бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг модернизациялашган шакллари аниқлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 2 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та мақола (3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) чоп қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, уч боб, 164 саҳифа, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий тадқиқотнинг мавзуси ва унинг долзарблиги асосланган бўлиб, тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, илмий ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган. Шу билан биргаликда, диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, эришилган натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, илмий нашрларда эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида педагогик фаолият коммуникатив жиҳатларининг фалсафий-психологик асослари, ўқитувчи коммуникатив компетентлиги тушунчасининг мазмун моҳияти ҳамда бўлажак ўқитувчилар коммуникатив компетентлигининг ривожланиш мезонлари, даражалари ва шароитлари баён қилинган.

Ҳозирги даврда педагогикада инсон дунёқараши масалалари тубдан кўриб чиқилмоқда, инсоннинг ижтимоий ҳаётдаги ҳолати ўзгармоқда ва ўсиб келаётган авлод таълим-тарбияси қайта баҳоланмоқда, бу эса мазкур жараёнлар субъектларининг ўзаро муносабати ҳам ўзгаришига олиб келмоқда. Педагог ва тарбияланувчиларнинг ўзаро муносабатининг инсонпарварлик аспекти бугунги кунда И.Кантнинг ҳар бир инсонга ўз мақсадларига эришиш ва ўзининг бошқалар учун бир воситага айланишига йўл қўймасликни ифодаловчи қатъий мажбурламаслик формуласига асосланади.

Педагогик мулоқотни ташкил этишда фақат педагогик мақсад ва вазифалардан келиб чиқиш мумкин эмас, аслида айнан улар фаолиятнинг асосида бўлиши табиий. Мулоқотнинг бундай ҳолатида амал қилиш хусусияти шунга олиб келадики, ўқитувчи у билан доим ўз фикри, яъни фақат "ўзинигина" талабини баён қилиш орқали мулоқотга интилади. Болалар билан мулоқотда "ўзинигина" талабини баён этиш орқали эмас, балки "болалардан" фикр олиш, уларнинг қизиқишлари, интилишларини назарда тутиб, мулоқот қуриш муҳим, шунда бола ўз қизиқиш ва ўз олами билан педагогик мақсадлар радиусида бўлади.

Мазкур тадқиқот ишимиз учун мулоқот жараёнига мулоқот қилишда учта ўзаро боғлиқ коммуникатив, интерфаол ва перцептив компонентларнинг бирлиги сифатида уч томонлама ёндашув алоҳида аҳамият касб этади (Г.М.Андреева, А.А.Бодалев, Б.Д.Паригин). Бунда мулоқотнинг коммуникатив томони ўзида ўқувчиларнинг ахборотни узатиш, ўзаро таъсир қилиш интерфаол ташкилий жиҳатини, перцептив жиҳати эса, уларнинг бир-бирини идрок этиши ҳамда шу асосда ўрнатилган ўзаро тушуниш ва ҳиссий алоқани намоён этади.

Ўқитувчининг коммуникатив қобилиятлари турли тушунчалар билан: "педагогик маҳорат", "малакавий тавсиф", педагогик таълим назариясида ўқитувчига касбий-профессионал асосланган талаблар турли тушунчалар билан ифодаланган: "педагогик маҳорат", "малакавий тавсиф", "шахснинг профессиограммаси", "профессионал тайёрлик", "касбий-профессионал компетентлик" билан ифодаланган. Умуман олганда, юқорида санаб ўтилган, бир ҳодисани тавсифловчи педагогик тоифалар алоҳида мазмуний жиҳатларига эга ва турли контекстларда қўлланилади.

"Коммуникатив компетентлик" тушунчаси билан яқин алоқадор бўлган – "шахснинг коммуникатив ядроси" тушунчаси мавжуд. «Коммуникатив ядро» тушунчаси яқинда пайдо бўлган ва илмий тадқиқот ишларида замонавий психолог А.А.Бодалев томонидан биринчи марта қўлланилди.

Шахснинг коммуникатив ядроси психологик ҳодиса сифатида кўриб чиқилиши ҳар бир инсонда мулоқотни янада муваффақиятли амалга оширишга имкон берувчи асос мавжуд. Бундай асос ҳар қандай катта ёшли инсонларда, болалар шахсида ҳам мавжуд бўлиб, коммуникатив ядросига шахсий хусусият ва сифатлар кириши мумкин. Айнан улар охир-оқибат, мулоқот методи ва йўналиши бошқа томондан, ўқитувчининг касбий коммуникатив компетентлигининг паст даражаси унга профессионал сифатида ўзини ўзи амалга оширишига имкон бермайди, оқибатда умуман, ҳаётдан қониқмасликни туғдириши мумкин. Мазкур умумий ва касбий коммуникатив компетентликнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, биз унинг намоён бўлишининг қуйидаги мезонларини аниқладик:

биринчи мезон – умумий коммуникатив қадриятлар. Уларга педагог учун инсоннинг қадри, мулоқот жараёнининг қадри, педагог учун анъанавий мулоқот шаклларининг қадрини киритдик;

иккинчи мезон – педагогнинг шахсларо мулоқотни амалга ошириши умумий коммуникатив кўникмалари сифатида белгиланди. Бу унинг яқин

қариндош инсонлар, ишдаги ҳамкасблар, ўқувчиларнинг ота-оналари билан алоқа ўрнатиш кўникмаси;

учинчи мезон – ўқитувчининг умумий коммуникатив қадриятларни ўзининг касбий идеалига киритиш даражаси, чунки мазкур қадриятларнинг ривожланиш даражаси кундалик ҳамда педагогик мулоқотда ҳам катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, улар педагогнинг болалар билан инсонпарварлик, фасилитаторлик мулоқотининг ўзига хос асоси бўлиб хизмат қилади, унинг асосида ўз меҳнатининг етакчи қадрияти сифатида ўқувчига йўналганлик ва ўзини ўзи англаш ҳамда ўзини ўзи, ўқувчи шахсининг ўзгаришлари мос равишда ўз фаолияти усуллари ўзгартириш эҳтиёжи ётади;

ўқитувчида касбий коммуникатив малакалар мавжудлиги коммуникатив компетентлиги даражасини баҳолашнинг тўртинчи мезонига айланди, чунки касбий педагогик мулоқот уни кундалик мулоқотдан фарқловчи қатор хусусиятларга эга.

Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги мезонларини аниқлаш зарурияти коммуникатив компетентлигининг юқори, ўрта, паст каби уч даражасини ажратиш имконини берди.

Коммуникатив компетентликнинг юқори даражаси ўқитувчининг ўқувчилар билан инсонпарварлик ўзаро муносабатларининг яққол ифодаланган йўналганлиги билан тавсифланади, уларда ҳар икки иштирокчи мазкур жараённинг субъектлари сифатида хизмат қилади, бунда уларни ҳар бирининг шахси анланади ва ноёб, қайтарилмас сифатида қабул қилинади. Бундан ташқари, ўқитувчи болалар билан мулоқотга эҳтиёж сезади ва амалиётда мулоқотнинг ахлоқий шаклларида фойдаланади. Педагогда вербал ва новербал коммуникация малакалари сезиларли даражада ривожланган, бунда мулоқотнинг вербал ва новербал компонентининг номувофиклиги кузатилмайди. Ўқитувчи ўзининг психологик-физиологик ҳолатини тартибга солишни билади. Низоли вазиятдан чиқиш сифатида ҳамкорлик усулидан фойдаланади.

Коммуникатив компетентликнинг ўрта даражаси ўқитувчининг етарлича ифодаланмаган қадриятли-коммуникатив йўналганликларини назарда тутаяди. Ташқаридан инсонпарвар сифатида аниқланадиган, ўқувчилар билан муносабатлар кўпроқ ижтимоий ролларни бажариш хусусиятига эга. Бундай ўқитувчилар болалар билан мулоқотга алоҳида эҳтиёж сезмайдилар, мулоқотнинг ўзи қатъий чегараланган, кўпинча ижобий ҳиссий ифодаларсиз. Бунда касб зарурати доирасида вербал ва новербал коммуникация малакалари аҳамиятли даражада ривожланган. Ўқитувчи ўзининг психологик-физиологик ҳолатини тартибга солишни билади, бунда мазкур маънода маълум ҳиссий беқарорлик бўлиши мумкин.

Ўқитувчиларда коммуникатив компетентликнинг паст даражаси уларнинг ўз қадриятли йўналишларидан бир ёки бир неча коммуникатив қадриятларни истисно этишларида белгиланди. Ўқитувчи ва ўқувчининг мулоқоти инсонпарвар сифатида тавсифлана олмайди: ўқувчилар ноқулайлик ҳис этадилар; дарснинг ҳиссий кўриниши кўпроқ салбий; болалар билан алоқа

мавжуд эмас. Ўқитувчининг хулқида мулоқотнинг вербал ва новербал ташкил этувчисининг номувофиқлиги мавжуд. Ўқитувчи кўпинча ўзининг психологик-физиологик ҳолатини тартибга солишни билмайди.

Юқорида баён этилганидан келиб чиқиб, коммуникатив компетентлик динамик ҳосила бўлиб, ўз ривожда икки босқичдан ўтади: умумий ва касбий коммуникатив компетентлик (бунда шахс ривожланишининг маълум босқичдан улар биргаликда мавжуд бўлади), шунингдек, даражадан даражага ривожланиши мумкин. Бу ривожланиш коммуникация “тилини” ўз-ўзидан беихтиёр ўзлаштириш ва ўқитиш орқали содир бўлади. Бунда мулоқот билан тўғридан-тўғри ва бевосита алоқадор бўлган касб тўғрисида гап борса, бу жараён махсус ташкил этилган ўқитиш ва маълум шартларни бажаришда махсулдор бўлади деб айтиш ўринли. Аввало, бўлажак ўқитувчи асосли билимларга эга бўлиши керак.


Юқори компетентли ўқитувчиларнинг фарқли жиҳатлари айнан, психологик компонентларнинг касбий билимлари тизимининг турли ифодаланишидан иборат эканлиги тажриба-синовда аниқланган.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг методик таъминоти”** деб номланган иккинчи бобда педагогика фанлари мазмунини бўлажак ўқитувчи шахсини инсонпарварлик коммуникатив ривожлантиришга йўналтириш, коммуникатив ўзини-ўзи ривожлантиришнинг рағбатлантирилиши ҳамда ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро муносабатларини инсонпарварлаштириш бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш шарти сифатида таҳлил қилинган.

Педагогик тизимда коммуникатив компетентлик моҳияти, ўқитувчининг касбий фаолиятга йўналтирилган вазифаларни бажариши жараёнида унинг шахс сифатидаги ҳаракатларида намоён бўлади ва педагогик фаолиятда муваффақиятларга эришишни таъминлайди.

Диссертацияда педагогик фанларнинг (асосий, меъёрий ҳамда махсус) мазмунини педагогик ОТМ талабалари шахсининг коммуникатив ядроси инсонпарварлик асосини ривожлантиришга йўналтириш унинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга кўмаклашади. Мазкур мақсадда педагогиканинг меъёрий курслари мазмуни қайта кўриб чиқилди, “Педагогик касбга кириш” ва “Педагогик назариялар, тизимлар ва технологиялар”; “Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги” махсус курси ишлаб чиқилди, Жиззах давлат педагогика институтининг барча 3-курсларида касбий педагогик амалиётнинг мазмуни модификациялаштирилди.

Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг полифактор модели мақсад, мазмун, жараён ва баҳоловчи мезон каби компонентлар бўйича ишлаб чиқилди. Шунингдек, бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг полифактор модели мақсадга қаратилганлик, мазмунга оид, операционал, натижадорликни баҳолаш интеграцияси бўйича такомиллаштирилган (1-расмга қаранг):



1-расм. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг мантиқий-тузилмавий модели

Бўлажак ўқитувчининг инсонпарварлик коммуникатив ядросини ривожлантириш педагогика фанлари мазмунининг айрим ўзгаришларини кўзда тутади ва биринчидан, педагогика фанлар туркумидаги баъзи мавзулар ва масалаларни ёритишга урғу беришни, иккинчидан, ўрганиш учун айрим қўшимча масалаларни киритишни талаб этади.

Педагогик фанлар асосида шахснинг инсонпарварлаштирилган коммуникатив ядроси ривожини педагогика фанлари ва педагогика фанларининг мақсади йўналган ҳолатининг изоҳи: педагогика тарихи – педагогик ғоялар, назариялар ва таълим тизимларининг ривожланишини ўрганади; умумий педагогика – таълимнинг асосий қонуниятларини махсус ташкил етилган педагогик жараён сифатида ўрганади ва педагогик билимнинг барча тармоқларини ривожлантириш учун асос яратади, педагогиканинг умумий тамойиллари, дидактика (таълим назарияси), тарбия назарияси, таълимни бошқариш; ёш даврлар педагогикаси – турли ёшдаги инсон ривожланишининг хусусиятлари ва намуналарини ўрганади, мактабгача педагогика, бошланғич таълим педагогикаси, андрогогия (катталар таълими), геронтология (қарилик педагогикаси); касбий педагогика – касб таълими муаммоларини ўрганади, касб-хунар мактаблари педагогикаси, ўрта махсус касб-хунар мактаблари, олий таълим, меҳнат педагогикаси; соҳавий педагогика – муайян фаолият турлари (педагогик, муҳандислик, ҳарбий, ҳуқуқий ва бошқалар) учун кишиларни махсус тайёрлаш қонуниятларини ўрганади; ижтимоий педагогика – жамиятнинг шахс шаклланиши ва ривожланишига таъсири муаммоларини ишлаб чиқади, оила педагогикаси, меҳнат жамоалари педагогикаси, қайта тарбиялаш; коррекцион (махсус) педагогика – ривожланишида жисмоний ва психофизиологик камчилиги бўлган болалар таълим-тарбиясини ўрганади, дефектология (ақлий ривожланишда кечиккан болалар билан ишлаш), логопедия (нутқ нуқсонларини тузатиш ишлари), сурдопедагогика (эшитишида нуқсонли бўлган болалар билан ишлаш), тифлопедагогика (заиф ва кўр болалар билан ишлаш), олигофренопедагогика (ақли заиф болалар билан ишлаш); этнопедагогика – халқ ва этник тарбиянинг қонуниятлари ва хусусиятларини ўрганади; қиёсий педагогика – дунёнинг турли мамлакатларида таълимни ташкил этиш хусусиятларини очиқ беради; хусусий (предметли) методика – барча турдаги таълим муассасаларида аниқ ўқув фанларини ўқитишни ўрганиш; таълим-тарбия фалсафаси – таълим моҳиятини тушуниш учун фалсафий таълимотларнинг ролини ўрганувчи, таълим ва тарбия мафқурасини белгилаб берувчи педагогиканинг бир бўлими бўлиб, таълим мақсадлари ва уларни амалга ошириш йўллариини белгилашдаги асосий концептуал ёндашувларни таҳлил қилади.

Коммуникатив ўзини ўзи такомиллаштириш мақсади аниқ, аммо мотивлар турлича бўлиши мумкин. Инсонпарвар йўналган ўқитувчи учун коммуникатив ўзини ўзи такомиллаштириш нафақат ўзи учун ўзини ўзи яхшилашда, балки самарали ўзаро муносабатни амалга оширишнинг асосий шарти сифатида кечиши керак бўлиб, бу болаларнинг ривожланишига, уларнинг индивидуалликлари ва ўзига хосликларини сақлашга ёрдам беради. Шунинг

учун коммуникатив ўзини ўзи ривожлантиришда амалий машғулотлар катта аҳамиятга эгадир.

Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш механизмлари амалий ёндашув орқали касбий-педагогик фаолиятни ташкил қилишнинг методик таъминотини ишлаб чиқишни тақозо қилди. Мазкур таъминот «Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги» махсус курси бўйича машғулотлар учун уларнинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг маълум тузилиши ишлаб чиқилди ва у коммуникатив компетентликнинг тузилишига асосланади. Ўқув машғулотини ахборот, ўзини ўзи англаш ва амалий каби учта блокда қуриш мақсадга мувофиқ.

Олий педагогика таълимининг ўзига хослигини бундай тушуниш маданият ва таълим тизими шахсларидан, ўқитувчидан ўз касбий-мутахассислиги компетентлигини доимий намоён этиш талаб этилиши анъанавий таълим тизими мазмун-моҳиятидан излаш манбаи бўлиши мумкин. Муаммо шундаки, компетентликнинг “намойиш этилиши” ва унинг мавжудлиги бу борадаги фикрларга бутунлай турли фикрлардир. Айнан ўқитувчининг таълимда тез-тез монологдан фойдаланиш зарурлигини намойиш этиши талаб фаоллигини чеклаш, ўқув материални танқидий бўлмаган ҳолда идрок этишга мажбурлашга олиб келади. Натижада аниқ бўлмаган, баъзан аниқ тақдим этилган мазкур позиция (намойиш этиш позицияси)нинг ўзи, талабаларга босим яратади ва сўзсиз, уларнинг ривожланишига, ўзини ўзи ривожлантиришга хизмат қилмайди.

Диссертацияда тадқиқот юзасидан ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги ўзаро муносабатлар усулини аниқлаш мақсадида анкета-сўровномасини ўтказдик. Ўқитувчи ва талабалар мулоқотининг зарурлиги: а) ўқитувчилар ва бўлажак ўқитувчилар субъект-субъект муносабатларининг зарурлиги; б) ўқитувчи ва талабалар ўртасида мулоқотнинг инсонпарварлаштирилган образи жуда зарур. Натижаларнинг интерпретацияси кўрсатдики, олий педагогик таълимнинг замонавий ривожланиш босқичида талабалар учун ўқитувчилар ва бўлажак ўқитувчилар субъект-субъект муносабатлари янада исталган хусусиятга айланади.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган.

Тажриба-синов ишлари Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах давлат педагогика институти, Самарқанд давлат университети 2016-2019 йилларда олиб борилди. Тажриба-синов ишларида тажриба гуруҳида жами 818 нафар, назорат гуруҳида жами 530 нафар талаба қатнашди. Тажриба-синов ишлари қуйидаги босқичларни қамраб олди.

Тажриба-синов ишлари натижаларини статистик таҳлили олиб борилди: бўлажак ўқитувчиларнинг “Ўқитувчининг касбий коммуникатив компетентлиги” тестини қўллаш орқали дастлабки коммуникатив компетентлигини баҳолаш асосида; педагогик фанларни бўлажак ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги асоси сифатида инсонпарварлик йўналганлигини

ривожлантиришга йўналтириш даражаси бўйича олинган натижалар асосида; “Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги” махсус курсини ўтказишдан олинган натижалар асосида; касбий-педагогик амалиёт даврида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив кўникмалари ва малакаларини ривожлантириш кўрсаткичлари асосида; якуний босқичдаги “Ўқитувчининг касбий коммуникатив компетентлиги” тестидан олинган натижалар асосида; ОТМ ўқитувчилари, мактаб ўқитувчилари ва талабалар ўзларининг коммуникатив компетентликлари даражасини ўз-ўзлари баҳолашлари дастлабки ва тажриба охиридаги натижалари асосида.

1-жадвал.

ОТМ ўқитувчилари, мактаб ўқитувчилари ва талабалар ўзларининг коммуникатив компетентликлари даражасини ўз-ўзлари баҳолашлари дастлабки ва тажриба охиридаги натижалари


Олий таълим муассасалари	Иштирокчилар	Ҳи квадрат кузатув қиймати	Критик қиймат	ўртача қиймат		Самардорлик	Танланма дисперсия		Квадратик четланиш	
				тажриба	назорат		тажриба	назорат	тажриба	назорат
Умумий коммуникатив кадрлар ривожланиш даражаси										
Коммуникатив қизиқишлар	ОТМ ўқитувчиси	20,19	9,49	3,85	3,36	1,15	0,81	0,83	0,90	0,91
	Мактаб ўқитувчиси	27,31	9,49	3,82	3,39	1,13	0,71	0,78	0,84	0,89
	Талабалар	132,88	9,49	3,78	3,27	1,16	0,66	0,66	0,81	0,81
Касбий-мутахассислик ғоясига коммуникатив кадрлар киритилганлик даражаси										
Коммуникатив кўникмалар	ОТМ ўқитувчиси	20,84	9,49	3,75	3,24	1,16	0,91	0,92	0,95	0,96
	Мактаб ўқитувчиси	33,55	9,49	3,80	3,33	1,14	0,75	0,73	0,87	0,86
	Талабалар	121,85	9,49	3,77	3,27	1,15	0,63	0,66	0,79	0,81
Коммуникатив техникаларни эгаллаганлик даражаси										
Касбий қизиқишлар	ОТМ ўқитувчиси	17,99	9,49	3,81	3,35	1,14	0,85	0,83	0,92	0,91
	Мактаб ўқитувчиси	28,02	9,49	3,79	3,35	1,13	0,72	0,69	0,85	0,83
	Талабалар	158,36	9,49	3,85	3,31	1,16	0,60	0,61	0,78	0,78
Касбий коммуникатив кўникмаларнинг ривожланиш даражаси										
Касбий кўникмалар	ОТМ ўқитувчиси	20,19	9,49	3,85	3,36	1,15	0,81	0,83	0,90	0,91
	Мактаб ўқитувчиси	27,31	9,49	3,82	3,39	1,13	0,71	0,78	0,84	0,89
	Талабалар	129,40	9,49	3,77	3,27	1,15	0,64	0,66	0,80	0,81

Тажриба-синов ишларини муайян тартибда ва дастур асосида ташкил этилиши ушбу жараённинг самарадорлигини таъминлади. Тажриба-синов ишлари дастурида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожланганлик даражалари аниқлаштирилди. Бўлажак ўқитувчилар коммуникатив компетентлигини ривожланганлигининг “юқори”, “ўрта”, “паст” кўрсаткичлари берилди. Амалга оширилган тажриба-синов ишлари натижаларини тажриба натижаларидан олинган маълумотлар асосида статистик таҳлил ишларини Хи-квадрат (χ^2) мезога кўра олиб борилди.

Педагогик тадқиқот ишларида гипотеза сифатида назорат гуруҳида олиб борилган анъанавий методика асосида олинган натижалар тажриба гуруҳида олиб борилган махсус методика асосида олинган натижалар билан таққосланиб, тажриба гуруҳларидаги натижаларнинг самарали эканлиги математик-статистик методлар ёрдамида илмий асосланди (1-жадвалга қаранг).


ОТМ ўқитувчилари, мактаб ўқитувчилари ва талабалар ўзларининг коммуникатив компетентликлари даражасини ўз-ўзлари баҳолашлари дастлабки ва тажриба охиридаги натижалари жадвал ёрдамида илмий асосланди.

$T_{кўз.} > T_{кр.}$ ва ўқитиш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичи 1 га тенг ва катта билиш даражаси баҳолаш кўрсаткичи 0 дан катта бўлгани учун H_0 гипотеза рад этилиб, H_1 гипотеза қабул қилинади. Бундан кўринадики, олиб борилган тадқиқот ишларидаги танланган гуруҳларда билим даражалари сезиларли фарқ қилиб, уларнинг билим даражалари самарадорлиги 1,13-1,16 баробаргача юқори кўрсаткич эга экан:



2-расм. Самарадорлик кўрсаткичлари

Жамият ривожланишининг замонавий босқичи, тарбия ва таълимнинг янги педагогик парадигмаси мазкур муаммони янги, янада ихчам мазмун билан тўлдиради. Тадқиқот ишимизнинг кўрсатишича, бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш учун айнан олий педагогик таълим жараёни аҳамиятли заҳиралар, имкониятлар ва ресурсларга эгадир.



3-расм. Ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари

Демак, тажриба гуруҳидаги балларнинг ўртача қиймати назорат гуруҳига нисбатан ўртача 14 % юқори. Демак, олиб борилган тадқиқот ишлари самарали эканлиги ўз исботини топди. Тадқиқот натижалари бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигининг ривожланганлик даражаларини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадорлигини тасдиқлайди.

Коммуникатив компетентлик – мураккаб, кўп қиррали тушунча бўлиб, у педагогик қобилиятларга ҳам, ўқитувчининг педагогика ва психология соҳасидаги хабардорлигига ҳам, шахсий сифатлари мажмуига ҳам ҳатто барча санаб ўтилган, бошқа компонентларнинг бирлигига ҳам тааллуқли эмас. Коммуникатив компетентлик моҳияти ва тузилишини тадқиқ этиш бизга унинг икки ўзаро боғлиқ ва ўзаро алоқадор даражаларини ажратиш имконини берди. Яъни, биринчидан коммуникатив компетентликнинг намоён бўлишини бевосита мулоқотда, инсоннинг коммуникатив хулқида намоён бўлишини белгилайди, иккинчидан эса, педагогик коммуникатив кадриятларни, мазкур ўқитувчининг йўналганлиги ва касбий мотивациянинг ўзига хослигини, унинг педагогик мулоқотга эҳтиёжини киритади.

Хулоса қилиб айтганда, коммуникатив компетентлик кўринишлари (умумий ва касбий), даражалари (юқори, ўрта, паст), мезонлари (коммуникатив кадриятлар ривожланиши даражаси, коммуникатив кадриятларнинг касбий идеалдаги иштироки даражаси, касбий коммуникатив кўникмалар ривожланиши даражаси) ҳамда бўлажак ўқитувчида коммуникатив компетентликнинг ривожланиш шароитлари белгиланган ва тавсифланган. Коммуникатив компетентлик феномени табиатининг ўзи ва маҳоратли педагогнинг шаклланиш қонуниятлари мазкур жараён самарадорлигининг асосий педагогик шароитларини шакллантириш ва асослашга имкон берди. Улар орасида педагогик фанлар мазмуни бўлажак ўқитувчи шахсининг коммуникатив компетентлиги асоси сифатида унинг инсонпарварлик коммуникатив ядросининг ривожланишига йўналганлиги, бўлажак ўқитувчининг

коммуникатив ўзини ўзи ривожлантиришини рағбатлантириш, бўлажак ўқитувчида “инсонпарварлик мулоқоти образи”нинг шаклланишига кўмаклашувчи, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги қадриятли-шахсий муносабатлар устувор ҳисобланади.

ХУЛОСА

«Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш» мавзусидаги педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Бугунги кунда дунёда бўлаётган жадал ўзгаришлар, фан-техника, ахборот-коммуникация ва технологияларининг кун сайин ривожланиб бориши жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлиги, психологик-педагогик билимлари, педагогик маҳорати, ўз фанини чуқур билиши учун билим, кўникма ва малакаларини ошириб бориши, фикрлаш доираси кенгайтириши ва мулоҳазали бўлиши аниқланди.

2. Коммуникатив компетентлик бўлажак ўқитувчиларда касбий билим, касбий маҳорат, инсонпарварлик, ўзида креативлик яратиш, муомала маданияти, педагогик техника, педагогик малакаларини шакллантириш, педагогик маҳорат, кузатувчанлик, илғор замонавий педагогик тажрибаларни ўзлаштириш, ўқиш ва ўқитиш жараёнида диққатни тақсимлаш, билим, кўникма ва малакалар, психик ҳолатларини бошқаришни шакллантиришига асосланди.

3. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг фалсафий, педагогик-психологик омиллари аниқлаштирилиши касбий-педагогик фаолиятни ташкил қилишнинг методик таъминоти такомиллаштирилди.

4. Касбий-педагогик фаолият самарадорлигини баҳолашнинг диагностик аппаратини ҳамда ташкилий-технологик, касбий педагогик, рефлексив компонентларини такомиллаштириш орқали бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантирилди.

5. Мулоқот жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш амалга оширилиши ўқитувчидан профессионал суҳбатдош ролида хизмат қилиш, адекват коммуникатив перцепция, мулоқотнинг вербал ва новербал воситаларини эгаллаши, ўзининг касбий ҳолатини бошқаришни билиш, маълум коммуникатив сифатлари, рефлексив компонентлари (эмпатия, мулоқотдаги мослашувчанлик, рефлексия, коммуникативлик, ҳамкорлик қилиш қобиляти)га асосланди.

6. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришда таълим жараёнида ахборот-коммуникация ва илғор педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш механизмлари амалиётга тадбиқ қилинди ҳамда ўзини-ўзи билиш, ўзини-ўзи англаш, ўзини-ўзи ривожлантириш, ўзини-ўзи назорат қилиш механизмлари имкониятларини кенгайтирди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ПРИМОВ ШЕРЗОД КУВАНДИКОВИЧ

**РАЗВИТИЕ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ БУДУЩИХ
УЧИТЕЛЕЙ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

АВТОРЕФЕРАТ

**ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.1.PhD/Ped562

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.tdpu.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель: Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: Исакулова Нилуфар Жаникуловна
доктор педагогических наук, профессор

Бегматов Абдуладжан Сираджидинович
доктор философических наук, профессор

Ведущая организация: Чирчикский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится «30» 12 2020 года в 9 часов на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, дом 27. Тел.:(99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за № _____). Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, дом 27. Тел.: (71) 246-90-38; (71) 246-90-39; факс: (71) 246-90-37.

Автореферат диссертации разослан «21» 12 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 31 от 21/12 2020 года).



Р.Х.Джураев
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор.

Р.Г.Исханов
Секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.п.н. доцент.

А.Х.Макмудов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д.п.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой образовательный процесс внедрены механизмы приобретения умений и навыков интегрированной речевой деятельности, основанных на подходе СВЕ (competence-based-education) трио “знания-умения-навыки” в образовании коммуникативной компетентности. В ООН осуществляются крупные проекты по совершенствованию лингвистических, социолингвистических и прагматических компонентов коммуникативной компетенции будущих учителей, которые служат развитию речевой квалификации социальной направленности, коммуникативной культуры (общей и национальной), умения управлять коммуникативной ситуацией, средствами коммуникации (вербальными и невербальными), прогнозирования и программирования коммуникативных ситуаций.

В образовательных учреждениях по всему миру проводятся научные исследования по использованию коммуникативной компетенции в повседневной жизни, совершенствованию грамматических, социолингвистических, дискурсивных, стратегических типов коммуникативной компетенции. В связи с этим особое внимание уделяется проведению научно-педагогических исследований по развитию коммуникативной компетенции на основе синтеза языковых, культурных, психологических и социальных знаний, повышению коммуникативной компетенции изучаемых языковых средств.

В образовательные учреждения нашей Республики созданы нормативно-правовые основы внедрения эффективных механизмов развития коммуникативной компетентности будущего педагога, разработаны пути его общения со студенческим коллективом, родителями и коллегами. В Стратегии действий Президента Республики Узбекистан по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены такие приоритеты, как «постоянное повышение качества и уровня профессионализма учителей»². Это создает благоприятные условия для повышения уровня профессионального общения в социальных процессах, поэтапная реализация реформ в области образования и созданию широких возможностей и благоприятных условий для развития данной сферы.

Данная диссертационная работа в определенной мере служит практическим реализацией задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан УП- №4947 от 7 февраля 2017 года “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, постановлениях Президента Республики ПП-№1533 “О мерах по укреплению материально-технической базы высших образовательных учреждений и коренном улучшении качества подготовки высоко квалифицированных кадров”, ПП-№2909 от 20 апреля 2017 года “О мерах дальнейшего развития системы высшего образования”, ПП-№3775 “О дополнительных мерах по обеспечению повышения качества

² Указ Президента Республики Узбекистан УП- 4947 от 7 февраля 2017 года " О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан "

обучения в высших образовательных учреждениях и их участия в проводимых в республике реформах” и других нормативно-правовых актах, касающихся данного вопроса.

